

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МИРРАХИМОВА ТАНЗИЛА АХРОРОВА

ТЎҚ ҚИЗИЛ ЭХИНАЦЕЯ ВА ТИКАНЛИ АРТИШОК ЎСИМЛИКЛАРИ
АСОСИДА ОЛИНГАН ЯНГИ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИ
СТАНДАРТЛАШ

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2021

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Миррахимова Танзила Ахроровна

Тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок ўсимликлари асосида олинган
янги дори препаратларини стандартлаш 3

Миррахимова Танзила Ахроровна

Стандартизация новых лекарственных препаратов, полученных на
основе растений эхинацеи пурпурной и артишока колючего..... 25

Mirrakhimova Tanzila Akhrorovna

Standardization of new medications received on the basis of plants
echinacea purple and artichoke prickly..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МИРРАХИМОВА ТАНЗИЛА АХРОРОВА

ТЎҚ ҚИЗИЛ ЭХИНАЦЕЯ ВА ТИКАНЛИ АРТИШОК ЎСИМЛИКЛАРИ
АСОСИДА ОЛИНГАН ЯНГИ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИ
СТАНДАРТЛАШ

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Far.22** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Олимов Нemat Каюмович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Комялов Хожназор Масудович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Рамазонов Нурмурод Шералиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Матчанов Алимжон Даалатбоевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Ўз ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» 2004 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида тагишиш мумкин (16 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел. (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 04 кунни тарқатилди.
(2021 йил «15» 04 даги 10 рақамли р.р.р. бағиномаси).



К.С.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кенжадаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда, ер юзи аҳолисининг 1/3 қисми жигар ва ўт йўллари хасталикларига чалинган. Ҳаёт тарзининг жадал равишда ўзгариши организмни «Оксидловчи стресс» номини олган жавоб реакциясига ундайди ва ушбу жавоб реакцияси натижасида орган ва тўқималарда эркин радикаллар концентрацияси ортади ҳамда жигар касалликларига олиб келади. Шунинг учун ушбу касалликларни даволаш мақсадида доривор ўсимликлар асосида олинган гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи дори препаратлари ассортиментини кенгайтириш, уларни сифат меъёрларини аниқлаш ва стандартлаш фармацевтика соҳасида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда доривор ўсимликлар хомашёси асосида гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи юқори самарали дори воситаларини ишлаб чиқиш ва сифатини назорат қилиш учун янги биологик фаол модда (БФМ)лар манбаини аниқлаш борасидаги тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ўсимлик хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларни динамик усули ёрдамида ажратиб олиш, ишлаб чиқилган дори воситалар сифатини газ суюқлик ва юқори самарали суюқлик хроматографияси, ультрабинафша ҳамда масс-спектроскопия усулларида баҳолаш ва стандартлаш бўйича илмий тадқиқотлар устувор йўналишларда олиб борилмоқда.

Республикамизда, айниқса кейинги йилларда яратиб берилётган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда, доривор ўсимликлар хомашёси асосида дори воситаларни ишлаб чиқариш, жумладан: жигар ва ўт йўллари касалликларни даволашда қўланиладиган препаратларни яратиш, уларни ҳар томонлама такомиллаштириш бўйича катта кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини арзон, самарали ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»¹ бўйича долзарб масалалар белгилаб берилган. Бу борада, республика иқлимига чидамли интродукция қилинган табиий хомашёлардан субстанциялар олишнинг замонавий усуллари кўллаган ҳолда ноҳўя таъсирлардан холи гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи фитокомпозициялар яратиш бўйича тадқиқотларни ривожлантириш муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2018

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 апрелдаги 32-сон «Доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол кўшимчаларни (БФҚ) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари» тўғрисидаги баёни ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Шифобахш ўсимликлар асосида дори воситаларини яратиш, таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, уларни стандартлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute of Pharmaceutical Sciences the University of Mississippi (АҚШ), Department of Pharmacology, Johannes Gutenberg University ва Physiologisch-chemisches Institut der Universita (Германия), Community Health Sciences, University of London, Cranmer Terrac (Буюк Британия), Gorgan University of Agricultural Sciences and Natural Resources (Эрон), Instituto de Investigaciones Farmacologicas ININFA (Аргентина), Department of Biology, Science Faculty, Selcuk University (Туркия), Departments of Pharmacology and Molecular Bacteriology, The University of Tokushima (Япония), Engineering Center of State Ministry of Education for Standardization of Chinese Medicine Processing ва Huazhong University of Science and Technology (ХХР), Faculty of Biotechnology, College of Applied Life Sciences, Cheju National University ва National Institute of Subtropical Agriculture (Жанубий Корея), Харьков миллий фармацевтика университети, Украина доривор ўсимликлар институти (Украина), Самара Давлат тиббиёт университети, Санкт Петербург давлат кимё фармацевтика университети, Россия доривор ва ароматик ўсимликлар илмий текшириш институти, Бошқирдистон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)да олиб борилмоқда.

Доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, улар асосида дори воситаларни ишлаб чиқиш, сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва стандартлашга оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасидан қатор, жумладан куйидаги илмий натижалари олинган: *Cynara scolymus L.* ўсимлигидан оксидолчин кислоталари ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган (University of Tehran, Эрон), *Cynara L.*

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни маълумотлари www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content, www.scopus.com манбалар асосида кўриб чиқилган

туркумига мансуб ўсимликларнинг аминокислоталари таркиби аниқланган (Aristotle University of Thessaloniki, Миср), *Echinacea purpurea* L. нинг ўсимлик хомашёси ва унинг асосидаги экстрактларнинг кимёвий таркиби аниқланган (Всероссийский научно-исследовательский институт лекарственных и ароматических растений, Россия Федерацияси), *Echinacea purpurea* L. асосида ишлаб чиқилган куруқ экстракт ва настойканинг фармакологик хусусиятлари аниқланган (Самара Давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси), *Echinacea purpurea* L. ва *Scynara scolymus* L. экстрактлари таркибидаги флавоноидлардан рутин, кверцетин, цинарозид, лютеолин, оксидолчин кислоталаридан хлороген, қахва кислоталарининг таҳлил усуллари ишлаб чиқилган (Пятигорск фармацевтика давлат академияси, Россия Федерацияси).

Дунёда шифобахш ўсимликлар асосида янги дори воситаларини яратиш, жумладан куйидаги устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодий ва терапевтик жиҳатдан самарадор табиий хомашёлар асосида жигар хасталликларини даволашда қўлланиладиган ўсимлик субстанциялари ва улар асосида моно- ва комбинирланган тайёр дори шакллари яратиш; аналитик таҳлил усуллари валидация қилиш; сифатни назорат қилиш лабораторияларида аниқ ва сезгир таҳлил усуллари қўллаш, фармацевт-аналитик фаолияти учун амалий ёрдам кўрсатиш; фитопрепаратлар таркибидаги асосий таъсир этувчи биологик фаол моддаларни замонавий инструментал усулларда идентификация қилиш услубларини қўллаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўсимлик хомашёлари асосида ишлаб чиқилган тиндирма ҳамда экстрактларни сифат ва миқдорий таҳлил усуллари яратилган, улар негизида янги дори воситалари олинган.

Дунё миқёсида гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи таъсирга эга дори воситаларни ишлаб чиқиш, уларнинг кимёвий таркибини тадқиқ этиш, сифатини назорат қилиш ва стандартлаш бўйича O.S.Wolfbeis, X.F.Zhu, H.X.Zhang, Y.T.Tanaka, K.Tanaka, H.Kojima, A.Mutalib, E.Azzini, R.Bugianesi, F.Romano, G.Ben-Hod, S.Doğan, Y.Turan, H.Ertürk, R.Dosi, A.Daniele, V.Guida, L.Ferrara, A.S.El Senousy, M.A.Farag, D.A.Al-Mahdy, E.Fateh, B.Barrett, R.Bauer, H. Becker, M. A. Bukovsky, R. Cheminat, R.A.Zawatzky A.R.Burger, R.P.Torres, J.Warren, A. Rehman, H.D.Proksch, И.Л.Лунева, В.А.Челембитько, Т.В.Орловская, Л.И.Драник, Т.А. Патсаев, Н.Т.Ильясова, Н.М.Мамедалиева, О.С.Леонович, Р.И.Стрюк, Л.Н.Павлова, Е.В.Соколова, И.А.Утц, Е.В.Авдеева, Н.Н.Богдашев, А.Д.Гордиенко, Е.П.Федорова, В.А.Куркин, С.М.Николаев, А.Д.Бакуридзе, В.Н.Самородовларнинг илмий таъдқиқотларини таъкидлаш лозим.

Ўсимлик хомашёси асосида жигар ва ўт йўллари касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқиш, фармакологик фаоллигини ўрганиш бўйича Х.У.Алиев, А.Н.Юнусходжаев, Р.Т.Туляганов,

Қ.А.Убайдуллаев, А.А.Абзалов, А.Я.Ибрагимов, Х.М.Комилов, Н.К.Олимов, А.Қ.Саидвалиевлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мазкур диссертация иши тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок хомашёлари асосида гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи суюқ (экстракт, настойка) ва қаттиқ (куруқ экстракт, капсула ва фильтр пакетчали чой) дори шакллари кўринишидаги препаратларни ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИЗ-2017091854 «Ўзбекистонда етиштирилаётган тиканли артишок (*Synara scolymus* L.) хомашёси асосидаги ўт ҳайдовчи таъсирга эга бўлган «Цинарон Био» дори препаратини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш» (2018-2019 йй) инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади доривор ўсимлик хомашёлари асосида олинган янги гепатопротектор ва ўт ҳайдовчи таъсирга эга бўлган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни стандартлаш учун замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий тўқ қизил эхинацея асосида ишлаб чиқилган куруқ экстрактнинг сифатини баҳолаш ва назорат қилиш ҳамда стандартлаш мезонларини аниқлаш;

маҳаллий тиканли артишок хомашёси асосида олинган гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи таъсирга эга бўлган суюқ экстрактининг сифатини баҳолаш, назорат қилиш ҳамда стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

маҳаллий тиканли артишок хомашёси асосида олинган гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи таъсирга эга бўлган «Цинарон Био» 450 мг ли капсулаларининг сифатини баҳолаш, назорат қилиш ҳамда стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

маҳаллий тиканли артишок хомашёси асосида ишлаб чиқилган сафро ҳайдовчи таъсирга эга бўлган «Гепатонорм» чойи ҳамда настойкаси БФҚни кимёвий таркибини аниқлаш;

таҳлил этилган препаратларнинг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш;

тадқиқ этилган дори препаратлари учун сифат меъёрларини белгилаш натижалари асосида меъёрий ҳужжатларни тузиш ҳамда уларни тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш учун ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат Маркази» ДУК га тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ҳудудида маҳаллийлаштирилган тўқ қизил эхинацея ўсимлигининг куруқ экстракти, тиканли артишок асосида олинган суюқ экстракт, «Цинарон Био» капсулалари, «Гепатонорм» БФҚлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети препаратлар таркибидаги БФМларни ажратиб олиш ҳамда аниқлаш, сифатини баҳолаш ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, фармацевтика корхоналарининг назорат-таҳлил лабораториялари амалиётига ишлаб чиқилган таҳлил усуллари жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида кимёвий (юққа қатламли хроматография), физик-кимёвий (спектрофотометрия, масс-спектрометрия), замонавий инструментал (юқори самарали суюқлик хроматографияси) ва фармакологик таҳлил усуллари ҳамда компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок ўсимликлари хомашёси асосида олинган қуруқ ва суюқ экстрактларнинг таркибида БФМларидан флавоноидлар, аминокислоталар, аскорбин кислотаси, витаминлар, макро- ва микроэлементлар, моносахаридлар, ошловчи моддалар аниқланган;

тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти сифатини баҳолаш ҳамда стандартлашнинг юқори самарали суюқлик хроматографияси, масс-спектрометрия усуллари ишлаб чиқилган;

суюқ экстракт сифатини ультрабинафша ва масс-спектроскопия усуллари асосида баҳолаш ҳамда стандартлашнинг мақбул услублари ишлаб чиқилган;

«Цинарон Био» 450 мг ли капсулаларининг чинлиги ва миқдорий таҳлилинини олиб бориш учун юқори самарали суюқлик хроматография усули ишлаб чиқилган ҳамда оксидолчин кислоталари йиғиндиси хлороген кислотасига нисбатан стандартлаш меъёрлари ишлаб чиқилган;

тиканли артишок асосида ишлаб чиқилган «Гепатонорм» БФҚсининг сифат меъёрлари белгиланган ва унинг биологик самарадорлиги ҳамда безарарлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок асосида олинган экстрактларнинг ёт моддалардан хоилилиги ҳамда қахва, долчин ва хлороген кислоталари каби специфик биологик фаол моддаларни назорат қилиш мезонлари ишлаб чиқилган;

тиканли артишок асосида «Гепатонорм» БФҚ ишлаб чиқилган ҳамда унинг гепатопротектив фармакологик фаоллиги ва захарсизлиги аниқланган, шунингдек, мазкур қўшимчага меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишонччилик даражаси замонавий математик, статистик таҳлил усуллар, кимёвий, физик-кимёвий, клиник текширувлар асосида тасдиқланган. Олиб борилган тадқиқотлар тажриба-саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтганлиги билан синаб кўрилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фармакотерапевтик самарадорлиги экспорт

қилинадиган дори воситаларидан кам бўлмаган гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи препаратларни ишлаб чиқариш имконияти билан белгиланганлиги ҳамда уларнинг сифатини газ суюқлик ва юқори самарали суюқлик хроматографияси ҳамда ультрабинафша спектроскопия усуллари ёрдамида назорат қилиш имкони ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Цинарон Био» 450 мг ли капсулалари ва «Гепатонорм» фитокомпозицияга ишлаб чиқилган замонавий усуллар меъёрий ҳужжатлар таркибига киритилганлиги ҳамда уларни лаборатория таҳлили жараёнида қўлланилиши ушбу препаратлар ва биологик фаол моддаларни сифатини тезкор баҳолашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок ўсимликлари асосида олинган янги дори препаратларини стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қуритилган тиканли артишок баргларида сувли спиртли экстракт олиш усули»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05409, 12.05.2017 й). Натижада маҳаллий тиканли артишок асосида суюқ экстракти янги усулда ишлаб чиқариш имконини берган;

«Цинарон Био» 450 мг капсулалари учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-22175941-2999-2016) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома № 01214/12/16). Натижада маҳаллий тиканли артишок хомашёсидан олинган гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи дори воситалари ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«Гепатонорм» биологик фаол қўшимчалар учун Техник шартлар тасдиқланган (Ts 15005859-09:2018) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 15005859-09:2018). Натижада «АКТASH» хусусий фармацевтик ишлаб чиқариш корхонасида «Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи ва настойкаси биологик фаол қўшимча ишлаб чиқариш имконини берган;

«Remedy Group» Ўзбек-Британия қўшма корхонаси билан ҳамкорликда «Цинарон Био» 450 мг капсулалари учун ишлаб чиқилган тажриба саноат регламенти тасдиқланган (ОПР 08378-422888261-2016). Натижада мазкур тажриба-саноат регламентининг тасдиқланиши гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи таъсирга эга дори воситасининг сифатини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (8 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 172 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги ёритиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок асосида олинган препаратларнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок таркибидаги биологик фаол модда (БФМ)лар ва улар асосида олинган препаратларнинг замонавий ҳолати, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган гепатопротектор таъсирига эга дори воситаларининг ассортиментини ўрганиш натижалари, тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок асосида олинган препаратларнинг фармакологик хусусиятлари уларнинг тиббиётда қўлланиши, фенилпропаноидлар гуруҳи бирикмаларининг классификацияси ҳамда уларни ўсимликлар оламида тарқалиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Илмий тадқиқотда фойдаланилган хомашё, ёрдамчи моддалар ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган реактивлар, намуналардаги БФМларни ажратиб олиш ва тадқиқ этиш усуллари, уларни идентификация қилиш, физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида препаратларнинг кимёвий таркибини ўрганиш услублари ёритилган.

Намуналардаги флавоноидларни аниқлаш юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ) ва кимёвий-аналитик реакциялар ёрдамида амалга оширилди. Оксидолчин кислоталарни сифат таркибини аниқлаш қоғоз хроматографияси (ҚХ) усулида хроматогафик камерада амалга оширилган. Бунинг учун тадқиқ этилаётган препаратлардан спиртли ва сувли эритмалар ва ажратмалар тайёрланиб, кўзгалувчан фаза сифатида 2% сирка кислотасидан фойдаланилган. Хроматогафик қоғозда УБ нурлари таъсирида ҳаво рангдаги флюориссенцияланувчи доғлар кузатилган.


Олинган натижаларга кўра тиканли артишок суюқ экстракти (СЭ), «Цинарон Био» 450 мг капсулалари, «Гепатонорм» настойкаси ва фильтр пакетчали чойлари, тўқ қизил эхинацея қуруқ экстракти (ҚЭ) таркибида флавоноидлар, оксидолчин кислоталар, ошловчи моддалар, аскорбин кислотаси ва аминокислоталар сақланиши аниқланган.

«Ўзбекистонда етиштирилаётган тўқ қизил эхинацея курук экстрактивнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш» деб номланган учинчи бобда маҳаллий тўқ қизил эхинацея асосида ҚЭ ни олиш усули, мазкур экстракт БФМларининг сифат ва миқдорий таркибини ўрганиш ҳамда олинган натижалар асосида ҚЭни стандартлаш усуллари тўлиқ ёритиб берилган.

ҚЭни олиш учун майдаланган (5 мм) хомашёни КД-2КУ экстракторига жойлаштирилди ва «Ойнасимон юза» ҳосил бўлгунига қадар сув узатилади. Экстракциялаш 24 соат давомида доимий 70°C ҳароратда олиб борилган. Биринчи ажратманинг 20 л тоза ва курук идишга ўтказилиб, экстракциялаш яна шу тарзда икки мартаба олиб борилган. Бунда олинган ажратмаларнинг ҳажми 35 л ни ташкил этди. Олинган экстрактлар бирлаштирилиб, пахта фильтр орқали филтрланади ҳамда вакуум буғлатгичи ёрдамида 5,2 л ҳажмгача қуюлтирилди. Экстрактни қуритиш қуйидагича олиб борилди: қуритиш токчаларнинг юзасига полиэтилен плёнкалари қопланди ва уларнинг устига масса қуйилди, сўнг токчалар қуритиш шкафларига жойланиб, буғланаётган суюқликни тортиб олиши мақсадида вакуум насосини ишлатган ҳолатда 60°C ҳароратда 1,5 соат мобайнида қуритилди. Қуритиб олинган масса РП-19 русумли майдалагичда кукун ҳолигача майдаланди. ҚЭ ни чиқиш унуми 22% ни ташкил этди.

Тайёр ҚЭнинг ДФ талабларига мувофиқ тасвирланиши, намлик, оғир металллар, кулланиш даражаси каби сон кўрсаткичлари аниқланди. Ташқи кўриниши бўйича ҚЭ жигар рангдаги ўзига хос ширин ҳидли сочилувчан кукун бўлиб, намлиги 3,5% ни, кулланиш даражаси 0,16% ни ташкил этди, оғир металллар миқдори бўйича ХІ ДФ талабларига жавоб берди.

ҚЭнинг сувли эритмасидаги (1:50 нисбат) хлороген кислотасининг миқдорий таҳлили ЮССХ усулида олиб борилди, унинг таркибида хлороген кислотаси 2,44% сақланиши аниқланди (1-расм).



1-расм. Тўқ қизил эхинацея курук экстракти таркибидаги хлороген кислотаси хроматограммаси

ҚЭ таркибидаги витамин В₁ ва витамин В₂ лар миқдорий жиҳатдан ДФ ХІ кўрсатмасига мувофиқ СФ усулида аниқланиб, витамин В₁ миқдори 4,56 мкг/мл ни, витамин В₂ 4,12 мкг/мл ни ташкил этиши тасдиқланди.


ҚЭнинг элемент таркиби масс-спектрометрия усулида аниқланди. Элемент таҳлил натижаларига мувофиқ, унинг таркибида қуйидагилар нисбатан кўпроқ миқдорда сақланиши маълум бўлди: натрий (240,0 мг/кг),

калий (18000,0 мг/кг), кальций (15000,0 мг/кг), магний (6900,0 мг/кг), фосфор (100,0 мг/кг), алюминий (900,0 мг/кг), барий (110,0 мг/кг), темир (2600,0 мг/кг) ва марганец (100,0 мг/кг).

Тўқ қизил эхинацея ҚЭ таркибидаги аскорбин кислотаси ДФ ХІ кўрсатмасига мувофиқ титриметрик усулида аниқланиб, унинг миқдори 1,75 мкг/мл ни ташкил этди.

ҚЭ таркибидаги ёғ кислоталари метил эфирларини аниқлаш хромато-масс-спектрометрик усулда олиб борилиб, бунда толуол ёрдамида экстракцияланган ва эритувчи тўлиқ учуриб юборилган қолдиққа ишлов берилганидан сўнг унинг ёғ кислоталари таркиби ЮССХ усулида амалга оширилди. ҚЭ таркибида ёғларнинг излари аниқланиб, унинг ёғлилик даражаси 0,3% ни ташкил этди ва унга ёғ кислотаси (пальмитин кислотаси 36,75%, стеарин 52,38% ва линол кислотаси 10,87%) идентификация қилинди.

ҚЭ таркибидаги аминокислоталарнинг миқдори ЮССХ усулида тадқиқ этилди. Тўқ қизил эхинацея ҚЭ аминокислота таркибини ўрганиш натижасида 17 та аминокислота аниқланиб, улардан 9 таси алмашинмайдиган аминокислоталар—валин, треонин, изолейцин, фенилаланин, метионин, лейцин, лизин, лизин НСІ ва аргинин эканлиги кўрсатиб берилди. Оқсил миқдори 4,1% ни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Тўқ қизил эхинацея курук экстракти аминокислоталарнинг хроматограммаси

80% этил спирти ёрдамида ҚЭнинг сувдаги эритмаси таркибидаги чўктириб олинган полисахаридлар 0,3г ёки 7,2% ни ташкил этди. Чўкманинг таркибидаги моносахаридларни идентификациялаш қоғоз хроматографияси усулида амалга оширилди. Гидролизат таркибида урон кислоталари, галактоза, глюкоза излари, арабиноза ва ксилозалар аниқланди. Ҳосил бўлган доғларнинг интенсивлигига қараганда гидролизат таркибида урон кислоталари кўпчиликти ташкил этди.


ҚЭнинг сифат назорати тасвирланиши, чинлиги, қуриштиш жараёнида массанинг йўқотилиши, оғир металллар, микробиологик тозаллиги ва миқдорий таҳлил каби кўрсаткичлари асосида ўтказилди. ҚЭ жигар рангдаги, ўзига хос ширин ҳидли сочилувчан кукун бўлиб, таркибидаги хлороген кислотаси миқдори 2,0% дан кам бўлмаслиги, қуриштиш жараёнида массанинг йўқотилиши 5% дан ошмаслиги мақсадга мувофиқ деб топилди. Микробиологик тозаллиги бўйича препарат ХІ ДФ 2-нашри ва №2 сонли 3.2 қисми талабларига жавоб бериши аниқланди.

«Ўзбекистонда етиштирилаётган тиканли артишок асосидаги суюк экстрактнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобда тиканли артишок асосида СЭ ни олиш усули, унинг БФМларининг сифат ва миқдорий таркибини ўрганиш ҳамда олинган натижалар асосида СЭни стандартлаш усуллари келтирилган.

Тиканли артишок хомашёси асосида сувли спиртли СЭ олиш усули ишлаб чиқилди. СЭни олиш қуйидагича амалга оширилди: 50 кг 2-6 мм катталиқда майдаланган хомашё экстракторга жойлаштирилиб, 40% ли этил спирти билан 1 соат давомида ивителиб, сўнг 40% этил спирти ёрдамида 1:5 нисбатда 7 соат давомида экстракцияланди. Экстрактнинг хомашёнинг умумий массасига нисбатан 85% (42,5 кг) ҳажми тоза идишга қуйиб олиниб, унинг қопқоғи маҳкам беркитиб олиб қўйилди (экстракт №1). Шундан сўнг экстракторга 40% этил спирти «Ойнасимон юза» ҳосил бўлгунига қадар узатилиб, экстракция 7 соат давом эттирилди. Сўнг экстрактордаги барча суюқлик тоза ва қуруқ идишга ўтказиб олинди (экстракт №2). Экстракция шу тарзда яна 4 мартаба 7 соат давомида олиб борилди. Ҳар бир экстракциядан сўнг суюқлик экстракт №2 солинган идишга ўтказилди. Иккинчи идишдаги экстрактни вакуум бўғлатувчи ускуна ёрдамида қуюқлаштириш амалга оширилди. Суюқликнинг умумий ҳажми экстракция учун олинган хомашёнинг 15% массасигача (7,5 кг) келгунига қадар давом эттирилди ва экстракт №1 ва №2 лар бирлаштирилди ҳамда хона ҳароратида 2-3 соат давомида тиндирилди. Тиндирилган экстракт пахта фильтри орқали тоза, қуруқ ва жигар рангдаги шиша идишга сузиб олинди.

Тайёр СЭнинг ДФ талабларига мувофиқ қуйидаги сон кўрсаткичлари аниқланди: тасвирланиши, рН, оғир металллар, қуруқ қолдиқ, зичлик, спирт миқдори. Ташқи кўриниши бўйича СЭ жигар ранг тусдаги ўзига хос хидли суюқлик бўлиб, рН 5,14, қуруқ қолдиқ 14,24%, зичлиги 1,076 г/см³, спирт миқдори 23,86% ни ташкил этди, оғир металллар миқдори бўйича ХІ ДФ талабларига жавоб берди.

СЭнинг 10 баробар тозаланган сув билан суюлтирилган эритмаси БФМлар миқдорий таҳлили ЮССХ усулида амалга оширилди, унинг таркибида хлороген (5119,32 мкг/мл), қаҳва (344,26 мкг/мл) кислоталари, цинарозид (2843,97 мкг/мл) ларнинг нисбатан кўплиги аниқланди (3-расм).



3-расм. Артишок суюк экстрактининг хроматограммаси

Тиканли артишок СЭ таркибидаги оксидолчин кислоталарининг йиғиндиси хлороген кислотасига нисбатан СФ усули ёрдамида 329±2 нм

тўлқин узунлигида аниқланиб, оксидолчин кислоталари ўртача 2,09% ташкил қилди. Таққосланувчи эритма сифатида 50% этил спирти хизмат қилди.

Тажрибаларда параллел равишда, юқоридаги билан бир хил шароитда текширилувчи эритмага нисбатан аналогик тарзда тайёрланган хлороген кислотаси стандарт намуна эритмасининг (СНЭ) оптик зичлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тиканли артишок суюқ экстракти таркибидаги оксидолчин кислоталарнинг хлороген кислотага нисбатан миқдори

Оптик зичлиги, D	Оксидолчин кислоталари йиғиндиси, %	Метрологик тавсифи
0,354	2,10	$\bar{X} = 2,09$ $S = 0,0091$ $S_{\bar{x}} = 0,0041$ $\Delta X = 0,023$ $\Delta \bar{X} = 0,010$ $\varepsilon = 1,10$ $\bar{\varepsilon} = 0,48$
0,353	2,098	
0,354	2,10	
0,352	2,093	
0,353	2,098	

СЭ таркибидаги витамин В₁ ва В₂ лар миқдори ДФ талабига мувофиқ СФ усулида тадқиқ этилди. Тадқиқот натижаларига кўра витамин В₁ 0,56 мкг/мл ни, витамин В₂ 0,25 мкг/мл ташкил қилди.

Тиканли артишок СЭ таркибидаги ошловчи моддалар ўртача 2,36% ни ташкил этди.

СЭнинг элемент таркибини масс-спектрометрия усулининг таҳлил натижаларига кўра унинг таркибида муҳим биоэлементлардан натрий (1300,0 мг/кг), калий (14000,0 мг/кг), магний (1000,0 мг/кг), фосфор (730,0 мг/кг), кальций (540,0 мг/кг), олтингугурт (110,0 мг/кг), рух (5,2 мг/кг) ва мис (8,7 мг/кг) нисбатан кўпроқ миқдорда сақланиши аниқланди.

Тиканли артишок СЭнинг 0,1% ортофосфат кислотаси билан 10 марта (v/v) суюлтирилган ва центрифугаланган эритмаси таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдорий таҳлили ЮССХ усулида олиб борилиб, унинг миқдори 14,2 мкг/мл (ушланиш вақти 2,455 дақ., чўққи майдони 53,17 mAU*s) ни ташкил этди.

Тиканли артишок асосидаги СЭнинг аминокислота таркибини ўрганиш натижасида 16 аминокислота аниқланиб, уларнинг 9 таси алмашинмайдиган аминокислоталар—валин, треонин, метионин, изолейцин, лейцин, лизин, фенилаланин, гистидин ва аргинин эканлиги кўрсатиб берилди. Оқсил миқдори 15,0% ни ташкил этиб, унда алмашинадиган аминокислоталардан пролин, глутамин ҳамда аспарагин нисбатан кўпроқ сақланиши маълум бўлди.


СЭнинг сифат назорати тасвирланиши, чинлиги, оғир металлар, спирт

миқдори, қуруқ қолдиқ, микробиологик тозалиги ва миқдорий таҳлил сингари кўрсаткичларини аниқлаш асосида ўтказилди. СЭ жигар рангдаги, ўзига хос ҳидли аччиқроқ мазали суюқлик бўлиб, таркибидаги оксидолчин кислоталари йиғиндисининг хлороген кислотага нисбатан миқдори 2,0% дан кам бўлмаслиги, қуруқ қолдиқ 10% дан кам бўлмаслиги, спирт миқдори 23,86% дан кам бўлмаслиги лозим деб топилди. Микробиологик тозалиги бўйича препарат XI ДФ 2-нашри ва №2 сонли 3 Б қисми талабларига жавоб бериши мақсадга мувофиқ деб белгиланди.

Диссертациянинг «**«Цинарон Био» 450 мг ли капсулаларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш»** деб номланган бешинчи боби тиканли артишок хомашёси асосида мазкур капсулаларни олиш, уларни БФМлари сифат ва миқдорий таркибини ўрганиш, сифат назоратини ўтказиш ва таҳлил усуллари валидациясига бағишланган.

«Цинарон Био» 450 мг капсулаларни олиш қуйидагича амалга оширилди: майдаланган (7-8 мм) хомашё КД-2КУ экстракторига жойланади ва ускунага тозаланган сув (1:12 нисбатда) узатилади ҳамда суюқликни иситиш ускунаси ёқилади. Экстракциялаш жараёни 70-80°C ҳароратда 2 соат давом эттирилади. Экстракция яқунланганидан кейин ускунадаги экстракт идишга қуйиб олинади. Экстракциянинг кейинги босқичида ускунага 1:10 нисбатда тозаланган сув узатилиб, ушбу жараён яна такроран бир марта юқоридагига аналогик тарзда олиб борилди. Сўнг иккала экстракт бирлаштирилади, ҳамда пахта фильтр орқали сузиб олинди. Экстрактни қуритиш жараёни буғлаткич ёрдамида ва қуритиш токчалари орқали амалга оширилди. Қуюлтирилган экстракт, қуритиш токчалар полиэтилен плёнкалар билан қоплаган ҳолда уларнинг юзасига сузиб олинган қуюлтирилган экстракт қуйилди, сўнг токчалар қуритиш шкафларида ҳарорат 60°C ҳолатда доимий равишда сақлаб турилган шароитда 4 соатдан 6 соатгача бўлган вақт оралиғида қуритиб олинди. Қуритиб олинган массани кукун ҳолигача келтириш РП 19 русумли майдалагичда амалга оширилди. Тайёр бўлган кукун микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) ва магний стеарат каби тўлдирувчи моддаларнинг керакли миқдори билан 15-30 дақиқа давомида аралаштиргич ёрдамида аралаштирилди ҳамда ячейкаларининг диаметри 0,5 мм бўлган элак орқали элаб олинди. Ҳосил бўлган масса капсулалаш учун МФ-30 ускунасига узатилди ва капсулалаш жараёни бошланди.

«Цинарон Био» 450 мг капсулалари таркибидаги кукунининг сувли аралашмаси (1:10 нисбат) БФМларнинг миқдорий таҳлили ЮССХ усули ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижалар қаҳва (31,33 мкг/мл) ҳамда хлороген (67,51 мкг/мл) кислоталари ва цинарозидларининг (39,16 мкг/мл) юқори миқдорда сақланишини кўрсатди (4-расм).



4-расм. «Цинарон Био» 450 мг капсулаларининг хроматограммаси

«Цинарон Био» 450 мг капсулалари таркибидаги витамин В₁ ва В₂ лар миқдорий таҳлили ДФ талабига мувофиқ СФ усулида олиб борилди. Олинган натижаларига мувофиқ витамин В₁ 0,67 мкг/мл ни, витамин В₂ 0,52 мкг/мл ни ташкил этди.

Капсулалар таркибидаги ошловчи моддалар XI ДФ асосида пермангонатометрия усулида тадқиқ этилиб, ўртача 6,31% ни ташкил этди.

Масс-спектрометрия усулида олиб борилган таҳлилларга кўра «Цинарон Био» 450 мг капсулалари таркибида организм учун муҳим бўлган минераллардан натрий (1300,0 мг/кг), калий (8700,0 мг/кг), магний (1600,0 мг/кг), фосфор (2700,0 мг/кг), кальций (1400,0 мг/кг), олтингугурт (970,0 мг/кг), темир (38,0 мг/кг) нисбатан кўпроқ миқдорда сақланиши аниқланди.

«Цинарон Био» 450 мг капсулалари таркибидаги оксидолчин кислоталар йиғиндисини миқдорий таҳлили СФ усулида 329±2 нм тўлқин узунлигида амалга оширилди. Препаратдаги оксидолчин кислоталари йиғиндиси хлороген кислотасига нисбатан 6,85% ни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

«Цинарон Био» 450 мг капсулалари таркибидаги оксидолчин кислоталари йиғиндисининг хлороген кислотага нисбатан миқдори

Оптик зичлиги, D	Аниқланган оксидолчин кислоталар, %	Метрологик тавсифи
0,308	6,88	$\bar{X} = 6,85$ $S = 0,0250$ $S_{\bar{x}} = 0,0112$ $\Delta \bar{X} = 0,0695$ $\Delta \bar{X} = 0,031$ $\epsilon = 2,13$ $\bar{\epsilon} = 0,95$
0,306	6,85	
0,308	6,88	
0,304	6,82	
0,306	6,85	

«Цинарон Био» препаратининг 1:100 нисбатдаги 0,1% ли ортофосфор кислотадаги эритмаси таркибидаги аскорбин кислотаси миқдорини аниқлаш ЮССХ усулида олиб борилди. Капсулалардаги аскорбин кислотаси миқдори 0,44 мкг/мл ни (ушланиш вақти 2,515 мин., чўкки майдони 13.81 mAU*s) ташкил қилди. Тиканли артишок асосидаги капсулалар полисахаридларининг моносахарид таркиби ҚХ усулида олиб борилди. Аниқ тортимдаги капсулалар ичидаги кукуннинг сувли эритмаси полисахаридлари 96% ли этил

спирти ёрдамида чўктириб олиниб, 80% ли этил спирти билан ишлов берилиб, 96% ли спирт ёрдамида куритилган чўкманинг миқдори 0,27 г (6,5%) ни ташкил этди. Олинган натижаларга кўра полисахаридларнинг моносахаридлардан галактоза, глюкоза, арабиноза, ксилоза ва урон кислоталари идентификация қилинди.


«Цинарон Био» 450 мг капсулаларининг сифат назорати тасвирланиши, чинлиги, капсулаларнинг ўртача массаси ва ундан четланиш, капсулаларнинг парчаланиши, оғир металлар, микробиологик тозалиги ва миқдорий таҳлил каби кўрсаткичлари асосида ўтказилди. Ташқи кўриниш бўйича препарат ўзига хос хидли жигар ранг кукун билан тўлдирилган зарғалдоқ рангдаги қаттиқ желатин капсулалар бўлиб, таркибидаги оксидолчин кислоталари йиғиндисининг хлороген кислотасига нисбатан миқдори 5,5% дан кам бўлмаслиги, капсулаларнинг ўртача массаси ва ундан четланиш 10% дан ортиқ бўлмаслиги, парчаланиш вақти 20 дақиқадан ортиқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқ деб топилди. Микробиологик тозалиги бўйича препарат XI ДФ 2-нашри ва №2 сонли 3 Б қисми талабларига жавоб бериши лозимлиги белгиланди.

Таҳлил усуллари валидацияланди. «Цинарон Био» 450 мг капсулалари учун қуйидаги кўрсаткичлари бўйича валидацияланди: аниқлилик ва такрорийлик даражаси, чизиқлилик, тўғрилиқ ва ички лабораториявий қайта такрорланувчанлик. Капсулалар учун танлаб олинган усулнинг аниқлилик ва такрорийлик даражаси бўйича олинган ўртача натижанинг нисбий хатолиги 0,76% ни ташкил этди. Усулнинг чизиқлилик кўрсаткичи бўйича оксидолчин кислоталари йиғиндисининг хлороген кислотасига нисбатан миқдорининг чизиқлилик диапазони концентрацияси 80 дан 120% қийматлар оралиғида ётди (3-жадвал ва 5 расм).

3-жадвал

«Цинарон Био» капсулаларидаги оксидолчин кислоталари йиғиндисининг чизиқли боғлиқлиги

Олинган капсула кукунларининг миқдори, г	Оптик зичлиги, Д	Корреляция коэффиценти
0,0693	0,088	0,9968
0,0780	0,099	
0,0867	0,111	
0,0953	0,122	
0,1040	0,133	



5-расм. «Цинарон Био» 450 мг капсулалари оксидолчин кислоталари йиғиндисининг чизиқлилиги

Мазкур усулнинг тўғрилиқ кўрсаткичи бўйича ўртача регенерация фойизи 99,7% га тенг экани аниқланди. Ички лабораториявий қайта такрорланувчанлик кўрсаткичи бўйича стандарт четланиш $F \leq F_{95\%}$ 5,5 ни ташкил этди. Тадқиқотлар асосида олинган натижалар ишлаб чиқилган услуларнинг ҳаққонийлиги, объективлиги ва ишончлилигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**“Гепатонорм”** **фильтр-пакетчали чойи ва настйюкасининг кимёвий таркибини ўрганиш ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш**» деб номланган бобида препаратнинг сон кўрсаткичларини аниқлаш, БФМларнинг сифат ва миқдорий таҳлили ҳамда ташкилот стандартининг техник шартларини ишлаб чиқиш натижалари ёритиб берилган.

«Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи ва настйюкаси БФҚ учун куйида келтирилган материаллар ва хомашё қўлланади: тиканли артишок (*Synala scolymus L.*) барглари гигиеник паспорти ёки мувофиқлик сертификати асосида, расторопша мевалари (*Silybum matianum*) гигиеник паспорти ёки мувофиқлик сертификати асосида, бўзноч гуллари (*Flores Helichrysi arenarii*) ГФ XI 2 наشري ва ФС42Уз-0010-2003 асосида, жўхори попуги (*Stigmata Maydis*) ГФ XI 2 наشري ва ФС42Уз-0198-2016 асосида, спирт ГОСТ 5963.

«Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи учун ташқи кўриниши, ранги, таъми ва ҳиди, препаратнинг чиқарилиш шакли, намлиги, қуруқ қолдиқ, ёт аралашмалар, кукуннинг пакетчалардаги ўртача массаси, кукуннинг таркиби каби сон кўрсаткичлари, настйюкаси учун ташқи кўриниши, ранги, таъми ва ҳиди, препаратнинг чиқарилиш шакли, қуруқ қолдиқ, зичлиги, этил спиртининг миқдори каби сон кўрсаткичлари аниқланди (4,5-жадваллар).

4-жадвал

«Гепатонорм» настйюкасининг сон кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

№	Аниқланган сон кўрсаткичлари	Олинган натижалар
1	Ташқи кўриниши	Тиниқ эритма
2	Ранги	Тўқ яшил рангдаги эритма
3	Таъми ва ҳиди	Ўзига ҳос ҳидли ва куйдиручи аччиқроқ мазага эга
4	Ишлаб чиқарилиш шакли	100 мл настйюка шаклида полимер пластмасса идишда
5	Қуруқ қолдиқ	18,0 %
6	Зичлиги	0,895 г/см ³
7	Этил спиртининг миқдори	59,0%


**«Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойининг сон кўрсаткичларини
аниқлаш натижалари**

№	Аниқланган сон кўрсаткичлари	Олинган натижалар
1	Ташқи кўриниши	Қуруқ сочилувчан кукун
2	Ранги	Оч яшил рангда
3	Таъми ва ҳиди	Ўзига ҳос ҳидли ва мазали
4	Ишлаб чиқарилиш шакли	Фильтр пакетчаларда 2 г дан
5	Намлиги	5%
6	Экстрактив моддаларнинг миқдори (сувли экстракти)	20%
7	Металломагнит аралашмаларнинг миқдори	0,0005 г
8	Ёт аралашмалар: Минерал моддалар Органик аралашмалар	0,1% 0,05%
9	Кукуннинг пакетчалардаги миқдори	2 г ±10%
10	Пакетчалардаги кукуннинг таркиби:	
	- Тиканли артишок	0,8 г
	- Расторопша мевалари	0,8 г
	- Бўзноч гуллари	0,2 г
	- Жўхори попуги	0,2 г


«Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи ва настойкаси БФҚлари таркибидаги аскорбин кислотаси ХІ ДФ кўрсатмасига мувофиқ титриметрик усулда тадқиқ этилди. Олинган натижаларга кўра фильтр пакетчали чой таркибида аскорбин кислотаси 0,025% ни, настойка таркибида 0,080% ни ташкил этди.

Препаратлар таркибидаги ошловчи моддалар миқдорий таҳлили пермангонатометрия усулида олиб борилиб, фильтр пакетчали чой таркибида мазкур моддалар 6,71% ни, настойка таркибида 3,21% ни ташкил қилди.

«Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи ва настойкаси таркибидаги рутиннинг миқдорий таҳлили тескари фазали ЮССХ усули ёрдамида амалга оширилди. Фильтр-пакетчали чойи таркибидаги рутиннинг миқдори (ушланиш вақти 15,519 дақ., чўққи майдони 3102,23 mAU*S) 5,5894⁻¹ мг/мл ни, настойка таркибидаги рутиннинг миқдори (ушланиш вақти 15,446 дақ., чўққи майдони 9885,05 mAU*S) 1,781 мг/мл ни ташкил этди (5,6-расмлар).



5-расм. «Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи хроматограммаси



6-расм. «Гепатонорм» настойкасининг хроматограммаси

«Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи ва настойкаси элемент таркиби масс-спектрометрик усулда аниқланди. Таҳлил натижаларига мувофиқ фильтр-пакетчали чой таркибида натрий (8500,0 мг/кг), калий (46000,0 мг/кг), кальций (14000,0 мг/кг), магний (5100,0 мг/кг), фосфор (3000,0 мг/кг), темир (1200,0 мг/кг), марганец (60,0 мг/кг), рух (38,0 мг/кг) ва кобальт (4,30 мг/кг) каби биоэлементлар, настойка таркибида натрий (2300,0 мг/кг), магний (2000,0 мг/кг), калий (16000,0 мг/кг), кальций (740,0 мг/кг), рух (7,4 мг/кг) ва фосфор (950,0 мг/кг) ни ташкил этиши кўрсатиб берилди.

«Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи ва настойкаси микробиологик тозалиги СанПиН 0283, ДФ XI ва №2 сонли 12.10.2005 йилда ўзгартиришлар киритилган ЗБ кўрсатмасига мувофиқ олиб борилди. Текширувлар стерил боксларда, хона ҳарорати 20°C ва намлиги 54% бўлган шароитларда ўтказилди. Олинган натижаларга кўра препаратлар «Микробиологик тозалик» кўрсаткичи талабларига жавоб бериши аниқланди.

Олиб борилган таҳлил натижаларига асосан «Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи ва настойкасининг сифат кўрсаткичлари ва меъёрлари ишлаб чиқилди (6,7 -жадваллар).

«Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи спецификацияси

№	Кўрсаткичлари	Усуллар	Меъёрлари
1	Тасвирланиши	Визуал	Оч яшил рангли, ўзига хос ҳидли ва сочилувчан мазали кукун
2	Чинлиги: - ошловчи моддалар - флавоноидлар	Кимёвий усул темир аммонийли аччиқтош билан реакция ўювчи ишқор билан	Тўқ яшил ранг ҳосил бўлади Сариқ ранг ҳосил бўлади
3	Оғир металллар	ХI ДФ, ГОСТ 26927, ГОСТ 26930, ГОСТ 26933	0,001% дан ошмаслиги керак
4	Намлик	ХI ДФ	5% дан ошмаслиги керак
5	Экстрактив моддалар	ГОСТ 24027.2	20% дан кам бўлмаслиги керак
6	Металломагнит аралашмалар	ГОСТ 24027.1	0,0005 г дан ошмаслиги лозим
7	Ёт аралашмалар	ХI ДФ	0,1 г дан ошмаслиги керак
8	Микробиологик тозалиги	ХI ДФ ва СанПиН 0283	3Б категория
9	Микдорий таҳлил Рутин	ЮССХ усули	$5,5000^{-1}$ мг/мл дан кам бўлмаслиги керак
10	Қадоқланиши	ГОСТ 12302	2 г дан фильтр ёки саше пакетчаларда
11	Ёрлиқланиши	Тармоқ стандарти асосида	
12	Транспортировка	ГОСТ 17768-90Е	
13	Сақланиши	Ёруғликдан ҳимояланган ҳолда, +25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда 2 йил мобайнида	

«Гепатонорм» настойкаси спецификацияси

№	Кўрсаткичлари	Усуллар	Меъёрлари
1	Тасвирланиши	Визуал	Тўқ яшил рангли, ўзига хос хид ва аччиқроқ куйдирувчи таъмга эга тиниқ суюқлик
2	Чинлиги: -ошловчи моддалар -флавоноидлар	Кимёвий усул темир аммонийли аччиқтош билан реакция ўювчи ишқор билан	Тўқ яшил ранг ҳосил бўлади Сариқ ранг ҳосил бўлади
3	Оғир металлар	XI ДФ, ГОСТ 26927, ГОСТ 26930, ГОСТ 26933	0,001% дан ошмаслиги керак
4	Зичлиги	XI ДФ	0,891 дан 0,897 г/см ³ гача бўлиши керак.
5	Этил спирти концентрацияси	XI ДФ	50% дан 60% гача
6	Қуруқ қолдиқ	XI ДФ	18% дан кам бўлмаслиги керак
7	Микробиологик тозалиги	XI ДФ ва ўзгариш №2, СанПиН 0283	3Б категория
8	Миқдорий тахлил: Рутин	ЮССХ усули	1,500 мг/мл дан кам бўлмаслиги керак
9	Қадоқланиши	ГОСТ 12302	50 ва 100 мл хажмли шиша ёки полимер идишларда
10	Ёрлиқланиши	Тармоқ стандарти асосида	
11	Транспортировка	ГОСТ 17768-90Е	
12	Сақланиши	Ёруғликдан ҳимояланган ҳолда, +25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда 2 йил мобайнида	

ХУЛОСАЛАР

1. Тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок асосида ишлаб чиқилган препаратларнинг кимёвий хоссалари, сифат ва миқдорий таркибини аниқлаш бўйича илмий нашрларнинг ахборот-таҳлилий изланишлари натижасида мазкур ўсимликлар маҳсулотларининг сифатини белгиловчи меъёрларни ўрнатишга қаратилган услубий ёндошув таклиф этилди.

2. Тўқ қизил эхинацея ва тиканли артишок асосида олинган қуруқ ва суюқ экстрактларнинг кимёвий таркибини объектив баҳолаш имконини берувчи замонавий спектрофотометрик (СФ) ва юқори самарали суюқлик хроматография (ЮССХ) усуллари ишлаб чиқилиб, мазкур экстрактнинг сифат стандартлари таркибига киритиш тавсия этилди.

3. «Цинарон Био» 450 мг капсулаларининг кимёвий таркиби тадқиқ этилиб, препарат стандартланди ва оптимал сифат кўрсаткичларининг меъёрлари белгиланди.

4. Илк бор маҳаллий тиканли артишок асосида «Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи ва настойка шаклидаги БФҚларнинг сифат меъёрлари белгиланиб, ишлаб чиқариш жараёнида таҳлил қилиш усуллари сифатида таклиф этилди.

5. Ишлаб чиқилган аналитик усуллар қуйидаги валидацион кўрсаткичлар: такрорийлик, чизиқлиқлик, тўғрилиқ ва ички лабораториялараро такрорланувчанлик бўйича валидация қилинди. Ушбу мезонлардан фойдаланиб биринчи марта тадқиқ қилинаётган «Цинарон Био» 450 мг капсулалари учун «идентификация» ва «миқдорий таҳлил» бўлимлари таклиф қилинди.

6. Илмий изланишлар натижалари 2 та меъёрий хужжатлар таркибига киритилган ва ҳозирда улардан маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарининг назорат таҳлил лабораториялари амалиётида фойдаланиш тавсия этилган («Цинарон Био» 450 мг капсулалари (КФМ 42 Уз-22175941-2999-2016.), «Гепатонорм» фильтр-пакетчали чойи» ва «Гепатонорм» настойкаси» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts15005859-09:2018) ҳамда 1 та саноат тажриба регламенти («Цинарон Био» 450 мг капсулалари ОПР 08378-422888261-2016).

7. «Қуритилган тиканли артишок баргларида сувли спиртли экстракт олиш усули»га Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти (№I AP 05409, 12.05.2017 й.) рўйхатга олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МИРРАХИМОВА ТАНЗИЛА АХРОРОВА

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ НОВЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ,
ПОЛУЧЕННЫХ НА ОСНОВЕ РАСТЕНИЙ ЭХИНАЦЕИ ПУРПУРНОЙ
И АРТИШОКА КОЛЮЧЕГО**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент–2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В 2019.1.DSc/Far.22

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: Олимов Немат Каюмович
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: Комилов Хожиясрор Масудович
доктор фармацевтических наук, профессор

Рамазов Нурмурад Шералиевич
доктор химических наук, профессор

Матчанов Алимжон Давлатбоевич
доктор химических наук

Ведущая организация: ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, медицинских изделий и медицинской техники» МЗ РУз

Защита диссертации состоится «5» ноя 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 16). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «15» 04 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 16 от «13» 04 2021 года).



К.С.Ризаев
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.м.н.

Ё.С.Кариева
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н.,
профессор

Ф.Ф.Урманова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день по данным Всемирной организации здравоохранения 1/3 населения земного шара подвержены заболеваниям печени и желчевыводящих путей. Стремительное изменение образа жизни призывает организм к ответной реакции под названием «Окислительный стресс», в результате данной ответной реакции в органах и тканях повышается концентрация свободных радикалов, что приводит к заболеваниям печени. По этому в целях лечения данных заболеваний расширение ассортимента, определение норм качества и стандартизация гепатопротекторов и желчегонных лекарственных препаратов, полученных на основе лекарственных растений в фармацевтической отрасли является весьма актуальным.

В настоящее время в мире для производства и контроля качества высокоэффективных гепатопротекторных и желчегонных лекарственных препаратов, полученных на основе лекарственного растительного сырья на выявление источников новых биологически активных веществ (БАВ) исследованиям уделяется большое внимание. Исследования в области выделения фармакологически активных веществ, оценка и стандартизация качества полученных лекарственных средств, разработка современных методов анализа, определение норм показателей контроля качества и их внедрение в медицинскую практику имеет актуальное значение.

